

**Умумий ўрта таълим муассасаларида 2018-2019 ўқув йилини яқунлаш  
ва “Сўнгги кўнғироқ” тадбирларини ўтказиш бўйича**

**ТАВСИЯЛАР**

Мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим муассасаларида 2018-2019 ўқув йилини яқунлаш ҳамда “Сўнгги кўнғироқ” тадбирларини юқори савияда ўтказилишини ташкил этиш мақсадида қуйидагиларга амал қилишингиз тавсия этилади:

- умумий ўрта таълим муассасаларида “Сўнгги кўнғироқ” тадбирларини жорий йилнинг 25 май куни эрталабки соат 8:00 да **“Менинг мактабим – менинг уйим”** шиори остида ташкил этиш;

- тадбирни фақатгина 1- ва 11-синфлар иштирокида **1 соат давомийликда** ўтказиш (9-синф ўқувчилари битирувчи ҳисобланмайди);

- “Сўнгги кўнғироқ” тадбирларининг мактаб ҳовлиси, боғида ёки соя-салқин очиқ майдонларида ўтказиш ҳамда мактаб ҳудудига техника воситалари ва бегона шахсларнинг киритилмаслигини таъминлаш;

- битирувчи ўқувчиларнинг мактаб формасидан ташқари, турли либослар ҳамда ленталар тақиб олишини олдини олиш;

- тадбирлар ўтказиладиган жойларни талаб даражасида жиҳозлаш, гигиена ва тозалик талабларига мувофиқ шароитлар яратиш, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш;

- умумий ўрта таълим муассасаларида тадбирларнинг тартибли ўтишини таъминлаш мақсадида жойлардаги маҳалла қўмитаси, ота-оналар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

- мактаб раҳбарияти томонидан тадбир иштирокчиларини табриклаш жараёнида юртимизда сўнгги йилларда эришилган ютуқлар, амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, таълим тизимидаги ислохотлар тўғрисида аниқ рақам ва далиллар келтирилган ҳолда маълумот бериш;

- тадбирга фахрий ўқитувчилар, ота-оналар, касаба уюшмаси, маҳалла ва ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, ўртак бўладиган мактабнинг собиқ битирувчиларини таклиф этган ҳолда улар томонидан битирувчиларга байрам табриги ва тилакларини билдиришларини ташкил этиш;

- тадбирда йил давомида намунали хулқ ва аъло баҳоларга ўқиб, энг юқори рейтинг кўрсаткичларига эришган иқтидорли битирувчиларни тақдирлаш ва рағбатлантириш;

- **“Сўнги кўнғироқ” тадбирларини, босқичли назорат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестацияларини ўтказишда, таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ўқувчи ва битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналаридан турли ҳил пул маблағлари йиғилишини қатъиян тақиқланади;**

- **умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларга битирувчилар томонидан турли қимматбаҳо совғалар тақдим этиш, кўшимча турли тантанали тадбирларни (хонадонлар, ресторан ёки қаҳвахоналар ва ҳ.к.да банкет ёки бошқа маросимлар) ўтказиш ва энгил автомашиналарда сайр ташкил этишга йўл қўйилмайди;**

- тадбирни ташкил этишда мактабнинг “Кузатув кенгаши” аъзолари фаол иштирок этиши билан бир қаторда юқорида келтириб ўтилган тавсияларга амал қилиниши устидан назорат олиб боради.

**Умумий ўрта таълим муассасаларида 2018-2019 ўқув йилини якунлаш  
ва 25 май - “Сўнги кўнғироқ” тадбирлари сценарийси бўйича  
ТАВСИЯЛАР**

Таълим муассасаларида ўтказиладиган “Сўнги кўнғироқ” байрам тадбири сценарийсини тузишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

“Сўнги кўнғироқ” тадбири таълим муассасасининг раҳбари бошчилигида, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар етакчилари томонидан режалаштирилади.

Тадбирнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб (*сценарий*), ижодий ёндашган ҳолда ташаббускорлик, изланувчанлик ва фаоллик билан уни юқори савияда ўтказиш, нуфузини ошириш чоралари кўрилади.

25 май “Сўнги кўнғироқ” тадбири республикамиздаги барча мактабларда эрталаб соат 8-<sup>00</sup>да бошланиб 9-<sup>00</sup> да тугатилади.

Тадбирни ташкил этишда Халқ таълими вазирлигининг тавсия ва кўрсатмаларига асосланиш, таклиф этилган меҳмонлар, ота-оналар учун қулай жой танлаш, санитария ва гигиена, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш зарур.

Тадбир ўтказиладиган жойни гул ва шарлар билан байрамона безатиш, мактаб ҳудудига қуйидаги шиор ва чақириқларни илиб қўйиш мақсадга мувофиқ:

***“Биз таълим тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”.***

***Шавкат Мирзиёев***

***“Ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”.***

***Шавкат Мирзиёев***

*“Юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат”.*

*Шавкат Мирзиёев*

### **Тантанали қисм**

Чорлов мусиқа садолари остида бошловчилар кириб келади.

**1-бошловчи:** Ҳазинамсан, тахтим ўзингсан,

Қиёси йўқ бахтим ўзингсан.

Ер юзининг жаннати сенсан,

Яратганнинг санъати сенсан.

Жаннатбоғим, ҳазрат тоғимсан,

Меҳробимсан, саждагоҳимсан.

Сен онасан, муқаддас Ватан!

Яғонасан, муқаддас Ватан!

**2-бошловчи:** Сен улуғ сиймосан мангу барҳаёт,

Ҳар юзда акс этар, сен берган ҳаёт,

Сенинг ўғил-қизинг сенгадир қанот,

Қалбда меҳр бўлган, жон Ўзбекистон!

**1-бошловчи:** Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар, қадрли оналар!

**2-бошловчи:** Ассалому алайкум, азиз устозлар ва севимли ўқувчилар!

**1-бошловчи:** Бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида **СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ** садолари янграйди. Бу кун билимга чанқоқ, беғубор орзулар қанотидаги ёшлар ва меҳридарё устозлар, фарзанди камолини кўриб қувонаётган ота-оналар ва набираларига оқ йўл тилаб, дуо қилаётган отахону онахонларимиз учун чин маънода байрам.

**2-бошловчи:** Шундай экан, келинг, айти дамда бугунги шодиёна сабабчилари бўлган БИТИРУВЧИ ўқувчиларни даврамизга таклиф қиламиз.

*(музиқа садолари остида битирувчи синф ўқувчилари кириб келади.)*

**1-бошловчи:** Айлайн қалбимни тортиқ нурли бўстони сенга,

Сен ватандирсан, фидодир танда бу жоним сенга.

**2-бошловчи:** Бебаҳосан, асрагайман гавҳарим, деб мен сени,

Сен қароғ бўлсанг агарда, садқа мужгоним сенга.

*(Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди)*

**1-бошловчи:** Сўнги қўнғироқ... Бу жумла ҳар бир кўнгилда ўзгача жаранглайди, айниқса битирувчилар қалбида.

**2-бошловчи:** Ҳурматли устозлар, азиз меҳмонлар ва қадрли ўқувчилар! Табриклаш учун сўз навбатини мактабимиз директори \_\_\_\_\_ га берамиз.

*(мактаб директори тадбир иштирокчиларини табриклаш жараёнида юртимизда сўнги йилларда эришилган ютуқлар, амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, таълим тизимидаги ислохотлар тўғрисида аниқ рақамлар ва далиллар келтирилган ҳолда маълумот беради).*

**1-бошловчи:** Битирувчи ўқувчиларимизни табриклаш учун навбатни кўргазмали спорт машқларини бажариш учун мактабимиз спортчиларига берамиз. Марҳамат:

**1-бошловчи:** Айтиш керакки, турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини

кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлигини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

**2-бошловчи:** Шу боис Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Ушбу муҳим 5 та ташаббус ёшларимиз таълим ва тарбиясида катта аҳамият касб этади.

**1-бошловчи:** Бу борада ўқувчиларимизнинг ёзги таътил даврини мазмунли ўтказиш мақсадида мактабимизда ва маҳаллаларда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

**2-бошловчи:** Бугунги ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли тадбирни биз билан баҳам кўриб, шодлигимиз ва хурсандчилигимизга шерик бўлгани меҳмонлар ташриф буюришган. Сўз навбатини уларга берсак.

*(Туман халқ таълими бўлими ходими, МФЙ ходими ва ҳ.к. Улар битирувчи ўқувчиларни табриклаб, ҳудудда 5 та ташаббус бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритади)*

**2-бошловчи:** Азиз битирувчилар! Бугунги самимий тилаклар, гўзал рақслар, дилрабо куй ва қўшиқлар барчаси сизларга аталган. Шундай экан, жажжи кичкинтой сингилларимизнинг табригини қабул қилинг.

(Бошланғич синф ўқувчиларининг чиқишлари)

**1-бошловчи:** Бугун шодлик байрами, дўстлар!

Ғам тўлмасин дилларга бироқ,

Кузатгани сизларни хандон,

Жаранглайди сўнги кўнғироқ.

**2-бошловчи:** О, қандайин беғубор овоз,

Ором берар бу дам диллар-чун.

Зўр тилагин сизга кўнғироқ,

Билдиради олис йўллар-чун!

**1-бошловчи:** Бугун жуда ажойиб кун, тўғрими?! Қаранг, Устозлар ҳам, ўқувчилар ҳам ҳар доимгидек эмас, менинг назаримда. Уларнинг юраклари шодлик ва ҳаяжонга тўлган. Болаликнинг энг қувноқ, унутилмас, тотли, баъзан қийин дамларини бирга ўтказган синфдошлар бугун учирма қуш бўлиб, парвозга шай бўлиб турибди.

**2-бошловчи:** Нимасини айтасиз, уларнинг порлаб турган кўзларига қараб, ҳар бирингизнинг қалбларингиз бахт ва шодликка тўлсин, юрагингиз ўти асло ўчмасин, инсоннинг энг олий туйғулари сизга ҳамроҳ бўлсин деб қоламиз.

**1-бошловчи:** Азизлар, келинг, навбатни битирувчи ўқувчиларимизга берсак. Марҳамат!

*(Саҳнага ҳар бир синфдан битирувчи ўқувчилар чиқиб ўзларининг дил изҳорларини айтишади ва ўзлари тайёрлаган куй ва рақсларини намойиш этишади.)*

**2-бошловчи:** Азиз битирувчилар, сизларни табриклаш учун сўзни ҳурматли меҳмонларимиз (собиқ битирувчилардан вакил) га берамиз. Марҳамат!

**1-бошловчи:** Азизлар, энди навбатни мактабимизнинг рақс тўғараги иштирокчиларига берамиз. Марҳамат!

**2-бошловчи:** Азиз битирувчилар! Табриклаш учун сўз 11-“А” синф ота-оналари номидан\_\_\_\_\_ ва 11-“Б”синф ота-оналари номидан\_\_\_\_\_га. Марҳамат!

**1-бошловчи:** Айни дамда 2018-2019 ўқув йилида фан олимпиадалари, кўрик танлов ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган ҳамда ўзининг намунали хулқи билан бошқаларга ўрнак бўлган ўқувчиларни ва ижодкор ўқитувчиларни мактаб маъмурияти фахрий ёрлиқлар билан тақдирлайди.

*(Директор ва меҳмонлар томонидан йил давомида намунали хулқ ва аъло баҳоларга ўқиб, энг юқори рейтинг кўрсаткичларига эришган иқтидорли битирувчилар фахри ёрлиқ билан тақдирланади.)*

**1-бошловчи:** Сиз бизга бердингиз ҳеч синмас қанот,

Илм-фан кўксида тилаб парвозлар.

Биз таъзим қиламиз сизга умрбод,

Ҳамиша қадрли, азиз устозлар!

**2-бошловчи:** Қўлларим кўксимда бу кез,

Сизгадир олқишим юрак сўзларим.

Отадай талабчан, онадай мунис.

Ҳаёт қадар қиммат сиз устозларим.

**1-бошловчи:** Ва ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар. Сўнгги кўнғироқ садолари остида битирувчиларимизни кузатиб кўямиз.

**2-бошловчи:** Янграйвер кўнғироқ, ўчмасин сасинг!

Жарангингдан илҳом олиб яшайлик.

Бир дам ҳам тиндирмай мағрур овозинг!

Келажакка дадил қадам ташлайлик.

*(Даврага сўнгги кўнғироқни чалиш учун 11-синф ўқувчиси ва 1-синф ўқувчиси таклиф этилади.)*

Сўнгги кўнғироқ чалинганидан сўнг битирувчилар “Эй, чолғувчи кўнғироқ” кўшиғи садолари остида даврага чиқадилар.

Шу билан “Сўнгги кўнғироқ” тадбирига якун ясалади.

*(Изоҳ: Мазкур намунавий сценарийга белгиланган вақтга амал қилган ҳолда ижодий ёндашув асосида ўзгартириш киритиш мумкин).*